

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ АРАБЛАР МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ  
МАРКАЗИ**

**АВАЗНАЗАР МАҲМАДНАЗАРОВ,  
ЙЎЛДОШ АШУРОВ**

**ЖЕЙНОВ  
АРАБ ШЕВАСИ**

**ҚАРШИ  
«INTELLEKT» NASHRIYOTI**

**2022**

УДК 408.7(03)

КБК 81.2Уз-4

М-37

**Маҳмадназаров Авазназар, Ашуров Йўлдош.**

Жейнов араб шеваси / Авазназар Маҳмадназаров, Йўлдош Ашуров. –  
Қарши: “Intellect” нашриёти, 2022. – 303 б.

*Ушбу китобда Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов шаҳарчасида узоқ асрлардан буён истиқомат қилувчи этник жиҳатдан араб миллатига мансуб аҳоли нутқида қўлланиб келинаётган арабий тил бирликлари жамланган.*

*Китоб Ўрта Осиё араб шеваларини ўрганувчи шарқшунослар, арабист олимлар, шевашунослик, тил тарихи ва этимология билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун материал бўлиб хизмат қилади.*

*Наширга тайёрловчи ва масъул муҳаррир:*

**Одилжон Авазназаров,**

*филология фанлари бўйича фалсафа доктори.*

**Тақризчилар:**

**Нафас Шодмонов,**

*филология фанлари доктори, профессор.*

**Шорустам Шомусаров,**

*филология фанлари доктори, профессор.*

**Гулбаҳор Тожиева,**

*филология фанлари доктори, доцент.*

ISBN 978-9943-7745-9-9

Қашқадарё вилоят Араблар МММ

© А.Маҳмадназаров, Й.Ашуров, 2022

© «Intellect» нашриёти, 2022

## СЎЗБОШИ

Ўзбекистон – лингвистик нуқтаи назардан бой мамлакат. Хусусан, Қашқадарёнинг биргина Миришкор туманида олтой (ўзбек, туркман), ҳинд-европа (тожик) ҳатто хом-сом (араб) тиллар оиласига мансуб шевадарда сўзлашувчи аҳоли қатлами минг йиллардан буён биргаликда, аҳил ва иноқликда истиқомат қилиб келмоқда. Тумандаги Жейнов арабларининг бугун истиқомат қилиб турган ҳудудларига айнан қачон, қайси нуқтадан ва қайси йўналиш орқали, нима мақсад билан келиб қўним топгани ҳозирга қадар аниқ илмий асосланган эмас. Ҳатто академик Бартольд ҳам арабларнинг Марказий Осиёда ўрнашиб қолиши ҳақида сўз борганда “фақат арабларнинг ўзлари айтган нақллар асосида ҳукм юритишга мажбурмиз”, дейди.<sup>1</sup> Википедия маълумотларида Жейнов араблари бу ҳудудда IX асрдан буён яшаши ҳамда маданий жиҳатдан Сурия ва Уммон арабларига ўхшаши қайд этилади.<sup>2</sup> Баъзи манбаларда Жейнов қишлоғи XIII–XIV асрларда пайдо бўлгани ва унинг бунёд этилиши мўғуллар истилоси оқибатларига узвий боғлиқ экани таъкидланади.<sup>3</sup> Жейнов аҳолиси эса ота-боболарининг бу ҳудудда ҳижратнинг биринчи асрларида қўним топиши ҳақидаги оғзаки анъанани сақлаб қолишган ҳамда ўзларининг этник келиб чиқишини Қурайш араб қабиласи билан боғлайдилар. Келажакда олимлар тил хусусиятлари, маданияти, этнографияси, фолкълор намуналари, тўқувчиликка алоқадор ва бошқа иш қуроллари, гиламлар, сўзана ва жойна-мозларда, умуман, тўқимачилик маҳсулотларида ишлатилувчи хилма-хил ранг-бўёқлар, шакллар, нақш ва безаклар, қолаверса, ўзига хос бўлган кийим-кечак ҳамда тақинчоқларни чуқур тадқиқ этиш орқали Жейнов аҳлининг қадимиятига аниқлик киритишлари, катта илмий янгиликлар қилишлари мумкин.

XX асрнинг 50 йилларига қадар жейновликлар ўзаро мулоқотда асосан араб тилидан фойдаланишган. Ўша даврда кўпчилик ёшлар токи мактаб остонасига қадам қўймагунча арабчадан ўзга тилда

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Соч., I. М., 1963. – Б.45.

<sup>2</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%94%D0%B6%D0%B5%D0%B9%D0%BD%D0%B0%D1%83>

<sup>3</sup> Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи. – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996. – Б.3.

гаплаша олмаганликларини хотирлашади. Араб тили 2022 йилга келиб ҳам, асосан, ўтган асрнинг 40-йилларида туғилган авлод тилида яхши сақланиб қолаётгани бу фикрнинг асосли эканини тасдиқлайди. Жейновлик араблар географик ва лингвистик жиҳатдан бошқа араб дунёсидан ажралиб қолгани сабабли уларнинг шеваси фақат оғзаки шаклда етиб келган, кўпроқ архаик ва мумтоз араб тилига ўхшашлигини сақлаб қолган ва бу – илмда камдан-кам учрайдиган ноёб ҳодиса. Шу маънода, Жейнов араб тили тақдирнинг ноёб ва гўзал тажрибасидир.

Олимлар замонавий оғзаки араб тилининг, асосан, Араб лаҳжалари гуруҳи, Мағриб шевалари гуруҳи, Миср-Судан араб тили, Сурия-Месопотамия араб тили ҳамда Марказий Осиё лаҳжалари гуруҳи каби 5 гуруҳ диалектларга бўлинишини ҳамда улар лингвистик нуқ-таи назардан бир-биридан фарқланишини таъкидлайдилар. Лаҳжалар кўп ва хилма-хил бўлишининг асосий сабаби – арабларнинг араб тилида сўзлашмайдиган халқлар билан бўлган ўзаро тарихий-маданий алоқлари ҳамда маҳаллий тилларнинг таъсиридир. Жейнов араб диалекти араб тилининг айнан Марказий Осиё лаҳжалари гуруҳига мансуб. Араб тилининг Марказий Осиё лаҳжалари, яъни Ўрта Осиё арабчаси Афғонистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг оз сонли араблари орасида кенг тарқалган. ЮНЕСКОнинг 2017 йил 15-июндаги хабарига кўра, дунёдаги ўлим ёқасида турган 2,5 минг тилдан 15 таси Марказий Осиё халқларига тўғри келади. Жумладан, Ўзбекистондаги Марказий Осиё араблари тили йўқ бўлиб кетиш арафасида.<sup>4</sup> Тирик жоннинг ҳалок бўлаётганини кўриш кишини руҳан қийнаганидек, жонли тилнинг “ўлиб бораётгани”ни кузатиб туриш, аммо бунинг олдини олишда чорасизлик инсонни чуқур изтиробга солади.

Жейнов араб шеваси узоқ асрлар давомида сақланиб келганининг ҳам, яқин ўн йилликларда эса заволга юз тутиб бораётганининг ҳам маълум бир сабаблари бор. Ушбу арабларнинг 1960 йиллар охиригача маҳаллий аҳоли билан фаол аралашмаганликлари, қадимий

---

<sup>4</sup> Ona tili: oʻrta maktablarning 8-sinfi uchun darslik / M.Qodirov va boshq. – Toshkent: Choʻlpon nomidagi NMIU, 2019. – B.30.

маданиятларида собит турганликлари араб тилининг шу вақтгача сақланиб қолишига имкон берган бўлса, Собик шўро салтанатининг бутун умри давомида ислом дини, араб тили ва маданиятининг ўғайланиши, араблар миллий элат сифатида тан олинмагани, ҳаётнинг турли жабҳаларида уларга сунъий равишда ноқулайликлар пайдо қилинган арабларнинг ўз кадриятларини унута бошлашига сабаб бўлган. Бунинг биргина далили сифатида шуни келтириш мумкинки, мамлакат фуқаролари учун таълимнинг барча босқичи мутлақо текин бўлишига қарамай, олий таълим даргоҳларида таҳсил олган жейновлик араблар 1954/1955 ўқув йилининг иккинчи ярмигача хориждан келган талаба сифатида тўлов асосида таҳсил олишган.<sup>5</sup> Шукрки, Истиклол туфайли бу миллат ўз кадриятларини тиклашга, тарихини ўрганишга, тил ва урф-одатларини сақлаб қолишга йўл очилди.

Ўрта Осиёда араб шевалари, хусусан, Жейнов араб шеvasининг дунё илм-фанига маълум бўлиши XX асрнинг 30-йилларига тўғри келади ва бунда Н.Н.Бурикина ҳамда М.М.Измайловаларнинг хизмати катта. Академик И.Крачковский уларнинг хизматини араб диалектологиясида маълум бир инқилобдан далолат берувчи катта илмий кашфиёт сифатида баҳолаган. Жаҳон тилшуносларидан Н.В.Юшманов, Ҳ.С.Нуберг, В.Фишер, О.Ястров ва К.Верстих, Р.Ш.Джарьылгасинова, Л.С.Толстова, И.Н.Винников, Г.В.Церетели, Б.Х.Кармышевлар ҳам Ўрта Осиё араб тилига доир салмоқли тадқиқотлар яратишган.<sup>6</sup> Г.В.Церетели 1935 йилда Ўрта Осиёга биринчи илмий миссияси натижасида икки хил – Бухоро ва Қашқадарё диалектларининг мавжудлигини кўрсатган. У XX аср 50-йилларининг биринчи ярмида Н.Н.Бурикина, М.М.Измайловалар томонидан 20-йиллар охирида ёзиб олинган, Жейнов араблари тил хусусиятларини ўзида акс эттирган матнларни эълон қилади.

<sup>5</sup> Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи. – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996. – Б.26-27.

<sup>6</sup> Советская этнография. — Издательство Академии наук, 1972.; Джарьылгасинова Р. Ш., Толстова Л. С. Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. – Наука, 1980. – 232 с.; Винников И. Н. Язык и фольклор бухарских арабов. – М., 1969. – 359 с.; Церетели Г. В. Арабские диалекты в Средней Азии // Доклады советской делегации на XXIII Международном конгрессе востоковедов. Секция семитологии. – М., 1954.; Церетели Г. В. Арабские диалекты в Средней Азии. – Тбилиси, 1956. – Т. 1.; Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. По этнографическим данным. – Наука, 1976. – 321 с.

Олимнинг Ўзбекистондаги араблар шеваларини ўрганишга доир 4 жилдлик асарлари 2-жилди Жейнов араб шевасига оид матнлар ва таржималардан иборат.<sup>7</sup> 1963 йилда эса И.Н.Винниковнинг “Қашқадарё араблари нутқи намуналари” номли илмий асари нашр этилади. Жейнов араб шеваси хусусиятлари масаласида 1980 йилдан илмий изланишлар олиб борган грузин олими, профессор Гурам Галлактионович Чиковани хизматлари алоҳида эътирофга молик. Олим 1980, 1986, 2000 ҳамда 2020 йилларда Жейновга ташриф буюрган. У аҳоли тилидан кўплаб латифа, ҳикоятлар тўплаган. Асосан, ушбу китоб муаллифларидан бири Авазназар Маҳмадназаров билан узоқ йиллар мобайнида илмий ҳамкорлик қилган, ёзма, фото, аудио ҳамда видео материаллар йиққан. Улар асосида ўнлаб мақолалар, монографиялар тайёрлаган. 1988 йилда “Араб тилининг Қашқадарё шеваси морфологик қурилиши” мавзуида номзодлик диссертациясини ёзган. Олимнинг 2008 йил Тбилисида нашр этилган “Кашкадарьинский арабский диалект Центральной Азии” номли монографияси ҳам мавзуга оид қимматли манбадир.<sup>8</sup> Профессор Чиковани тўплаган барча турдаги материаллар, улар асосида амалга оширилган илмий ишлар билан олимнинг шахсий веб-саҳифасида танишиш мумкин.<sup>9</sup> Шунингдек, ўзбек олимларидан Рустам Ражабов ҳам “Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси” номли тадқиқотининг бир фаслини асосан Жейнов арабларининг тил хусусиятларига бағишлайди.<sup>10</sup> Бугунги кунда ҳам илмий жамоатчиликда бу борада изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ўрта Осиё араб лаҳжалари Бағдод университетида ироқлик олим, доктор Мудҳаффер абд Румий томонидан ўрганилмоқда.<sup>11</sup>

“Жейнов араб шеваси” номли ушбу асар илк бор шу элнинг айни шевада мукамал даражада гаплаша олувчи зиёлилари томонидан яратилгани, қолаверса, унда исмлар, ёрдамчилар ва айникса,

<sup>7</sup> Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси: XIX аср ўрталари XX аср бошлари. – Тошкент Шарқ, 2012. – Б. 140-141.

<sup>8</sup> Чиковани Г.Г. Кашкадарьинский арабский диалект Центральной Азии. – Тбилиси, 2008. – 274 с.

<sup>9</sup> <http://gchikovani.ge/category/publications/>

<sup>10</sup> Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси: XIX аср ўрталари XX аср бошлари. – Тошкент Шарқ, 2012. – 416 б. +16 б. зарв.

<sup>11</sup> <https://www.caa-network.org/archives/10806>

феълларнинг бир қанча грамматик формалари тўла шаклда берилгани билан ўзигача бўлган барча ишлардан фарқ қилади. Албатта, Жейнов араб шеваси хусусида келажакда тилшуносликнинг кўплаб йўналишларига доир яна йирик илмий тадқиқотлар амалга оширилади. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу жараёнда Авазназар Маҳмадназаров ҳамда Йўлдош Ашуровлар томонидан яратилган ушбу асар илмий жиҳатдан қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳазрат Алишер Навоий ўзининг қиёсий тилшуносликка бағишланган “Муҳокамату-л-луғатайн” асарида араб, турк, форс, ҳинд тиллари ҳақида сўз юритаркан, аввало, араб тили хусусида тўхталиб, дейди: “Барчасидин араб тили фасоҳат ойини била мумтоз ва балоғат тазъйини била мўъжизатироздурким, ҳеч такаллум аҳлининг мунда даъвоси йўқтур ва сўзи сидқ ва иши таслим – ўқдурким, маликун алломун жалла ва алонинг каломи мўъжизнизоми ул тил била нозил ва Расул алайҳис-салавоту ва салламнинг аҳодиси саодат анжоми ул лафз била ворид бўлубдур”<sup>12</sup>. Яъни: “Араб тили барча тиллардан равон, ёқимли, гўзал услуби билан ажралиб туради ва мазмундорлиги ҳамда гўзал бадиий ифодалар орқали зийнатлангани билан мўъжизавий услубга эгадирки, ҳеч бир тил эгаси бу хусусиятларда устунлик учун араб тилига даъво қилолмайди ва фақат садоқат ҳамда таслимият билдирадилар. Чунки қудратли ва улуғ мулк соҳибининг мўъжизнизом каломи шу тил билан нозил бўлган ва Расул алайҳис-салавоту ва салламнинг ҳадислари шу тил билан келган”. Жейновликлар Навоий бобомизнинг шундай юксак эътирофига сазавор бўлган бу улуғ тил билан унинг тарихий вакиллари сифатида ҳар қанча ифтихор қилсалар арзийди. Шу билан бирга ота-боболаридан бебаҳо мерос бўлиб келаётган бу қадриятни асраб-авайлаш маънавий бурч эканини ҳам чуқур ҳис қилмоқлари керак. Зеро, ушбу китоб ҳам мана шу руҳий эҳтиёж натижаси ўлароқ дунёга келган.

**Одилжон АВАЗНАЗАРОВ,**  
**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори**

---

<sup>12</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. X жилд: Муҳокамат ул-луғатайн. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги НМЙУ, 2011. – Б. 508.

## МУАЛЛИФ ХАТИ

Мустақиллик офтоби юрт осмонини чароғон қилган, эл қалби хуррият нурлари билан мунаввар бўлганидан биз ўзбекистонлик араблар ҳам чексиз фахр туямиз. Негаки, собиқ шўро салтанатининг бутун умри давомида ўгайланган, миллий элат сифатида тан олинма-ган араблар бугун ана шу истиқлол шарофати билан ўз кадриятларини тиклашга, тарихини ўрганишга, тил ва урф-одатларини сақлаб қолиш имконига эга бўлдилар.

Жейновда бугунги кунда VIII аср ёки ундан ҳам олдинги даврларга тааллуқли бўлган араб шеvasи сақланиб қолган. Бу шевани биладиганлар кўп эмас. Ҳозирги пайтда санокли араб оилаларида бобомолар шу тилда сўзлашадилар. Бироқ ёшлар араб тилидан, қадимий удумлардан анча йироқлашиб бормоқдалар. Бу эса кўнглимизда бир ўкинч ҳиссини пайдо қилади.

1996 йилда Республикада таниқли инсонлар Муродулло Саидов ҳамда тарихчи олим Поён Равшановларнинг “Жейнов тарихи” китоби нашрдан чиқди. Асарни ўқигандан сўнг менда Жейнов араб тили тўғрисида бир китоб ёзиш, шу орқали йўқолиб бораётган тилимизни сақлаб қолиш, имкон даражасида фаол истеъмолга қайтариш фикри пайдо бўлди ҳамда хаёлимни ҳеч тарк этмади. Кўп ўй-фикрлардан сўнг шу масала юзасидан Ўзбекистон Қаҳрамони, “Араблар миллий маданий маркази” раиси Муродулло Саидовга учрашишга қарор қилдим. У кишига фикрим маъқул тушди ва менга узоқ йиллар маориф соҳасида самарали фаолият юритган, тилимиз жонкуяри, элимизнинг ҳақиқий фидойи ва зиёли инсони, оиласида соф араб шевасини тўлалигича сақлаб қолган Авазназар домла Маҳмадназаров билан бамаслаҳат ишлашни тайинладилар.

Салкам тўрт йил мобайнида (2000–2004) домла билан шу манбани тайёрладик. Домла жуда катта қизиқиш ва иштиёқ, сабр билан, қолаверса, аждодлар олдидаги бурч, авлодлар олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда бу жараёни босиб ўтдилар. Гоҳида баъзи сўзлар, жумлалар, уларнинг турли формаларини ҳосил қилиш жараёнида ҳолатни синчковлик билан кузатиб борган домла-нинг умр йўлдошлари – Иззатой Маҳмадназарова бу борада баҳс-мунозараларга киришиб кетар, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб борар, вазиятни



“ютиб” чиқардилар. Хуллас, тўрт йиллик машаққатли меҳнат мени бу қалби дарё инсонларга ота-она ва фарзанддек яқин қилиб қўйди, улардан ибрат бўлгулик жуда кўп нарса ўргандим. Натижада озми-кўпми, яхшими-ёмонми ҳар ҳолда хато ва камчиликлардан холи бўлмасам-да, мана шу манба тайёр бўлди, биз ўз олдимизга қўйган мақсадга маълум маънода эришдик.

Жейнов араб шевасини тўла тикладик, деган фикрдан йироқмиз. Бу – ишимизнинг дебочаси, араб тилимиз тадқиқи йўлидаги қўйилган дастлабки қадамдир. Ундаги барча сўзлар соф араб тилида деб айта олмаймиз. Жейнов араблари ўзбеклар, тожиклар ва атрофдаги бошқа халқлар билан асрлар давомида бирга яшаш жараёнида шевада кўп ўзгаришлар бўлган. Баъзи ҳақиқий арабча сўзлар тилдан чиқиб кетган, форс-тожик, ўзбекча сўзлар эса аралашиб қолган. Аслида тил – ижтимоий ҳодиса, жонли жараён экан юқоридаги каби ўзгариш-ларга учраши табиийдир.

Китобни нашр этишдаги ташаббускорлик ҳамда молиявий кўмак учун Қашқадарё вилоят Араблар миллий-маданий маркази ҳамда унинг раҳбарияти – Ниёзмуҳаммад Панжиев, Давлатмурод Ёғмиров, Қўшмурод Ёмғиоровларга чексиз миннатдорлик билдирамиз. Марказнинг маънавий-маданий меросларимизни сақлаб қолиш йўлидаги кенг кўламли ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Шунингдек, ишнинг электрон шаклини тайёрлашда яқиндан ёрдам берганликлари учун жейновлик зиёлилар – Шухрат Ашуров, Умидилло Ҳайдаров, Азизбой Ашуров, Очилхон Султонов, Толиб Эрназаров, Хўжамберди Мавлонов, Ҳазрат Оймаҳмедов, собиқ талабалар – Диляйра Аҳмедова, Дилбар Қобиловаларга, ўз фикр-мулоҳазалари, маслаҳатларини бериб борган “Ҳаррук” маҳалла отахонлари – Абдиғаффор бобо Оймаҳмедов, Амир Рўзиев, Тойир бобо Ашуров, Ҳақназар бобо Рўзиназаров, Карим бобо Зарипов, Муҳаммадғафур бобо Пирназаров, Эгамберди бобо Тошқулов, Асад бобо Жумаев, Абдуваҳоб Оймаҳмедов, Ашурбой Ниёзовларга, шунингдек, рассом Зиёдулла Фармоновга ҳам ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Манба юзасидан холисона билдириладиган барча фикр ва мулоҳазалар, таклифларни мамнуният билан қабул қиламиз.

**Йўлдош АШУРОВ**

*Ушбу китоб жейновлик арабийлисон  
аждод ва авлодларимизга бағишланади.*

## КИРИШ

Араб тилида сўзлар таркибидаги ҳарфлар миқдори бир ҳарфдан етти ҳарфгача бўлади. Улар учта катта гуруҳга бўлинади:

I. Исм ( *الْإِسْمُ* ) туркумига от, сифат, сон, олмош, равиш, масдар (ҳаракат номи) ва сифатдош каби мустақил маънони билдирган сўзлар киради. Исмларда *жинс, сон, келишик ва ҳолат* категориялари мавжуд бўлиб, улар шу категорияларда турланади – ўзгаради.

II. Феъл ( *الْفِعْلُ* ) – мустақил мазмунга эга бўлиб, бирон-бир иш-ҳаракатнинг содир бўлишига ёки ҳолатига ишора қиладиган сўзларни ифодаловчи туркум. Феълларда иш-ҳаракат ўтган, ҳозирги ёки келаси замондан бирида содир бўлади:

*У боради.*

*У борапти.*

*У борди*

Феъл туркумига феълнинг барча шакллари киради.

III. Ёрдамчи сўзлар ( *الْحَرْفُ* ) – мустақил мазмунга эга бўлмаган, бошқа сўзлар таъсирига учрамайдиган сўзларни умумлаштирувчи туркум. Улар исм ёки феълга таъсир қилиб, уларнинг гапдаги маъносини аниқлаштириб келади. Ёрдамчи сўзларда феъл ва исмларда бор бўлган категориялар мавжуд эмас. Ёрдамчи сўзларга *аниқлик артикли, олд кўмакчи, юклама, боғловчи ва ундалма* кабилар киради.

## I. ИСМЛАР

### ОТ

Ўзбек тилида предметлик маъносини ифодаладиган сўзлар туркуми от дейилади. От *эғалик, келишик, сон* категориялари, турли маъно ва вазифаларга, шунингдек, ўзига хос деривацион хусусиятларга эга.

Отларга кўшилиб, предмет ёки предметлик тушунчасининг уч шахсдан бирига оид эканини кўрсатувчи грамматик маъно *эғалик*

категорияси дейилади. Эгалик маъноси ўзбек тилида, асосан, *аффиксация* усули, араб тилида эса *флексия* йўли билан ифодаланади.

Эгалик, тегишлилик маъносини ифодалаш учун хизмат қиладиган қўшимчалар *эгалик қўшимчалари* дейилади. Масалан, *китобим* сўзидаги **-им** қўшимчаси шу сўз орқали ифодаланган предметнинг (китобнинг) I шахс (сўзловчи)га, *китобинг* сўзидаги **-инг** қўшимчаси II шахс (тингловчи)га, *китоби* сўзидаги **-и** қўшимчаси III шахс (ўзга)га қарашли, тегишли эканини кўрсатади.

Бир предмет нутқда якка бир шахсга ёки икки ва ундан ортиқ шахсга тааллуқли бўлиши ҳам эгалик қўшимчалари орқали ифода қилинади. Масалан, *дафтарим*, *арчам* сўзларидаги **-им**, **-м** қўшимчалари шу сўзлар орқали ифодаланган предметларнинг ҳар бири якка бир шахсга тегишли эканини кўрсатса, *дафтаримиз*, *арчамиз* сўзлари таркибидаги **-имиз**, **-миз** қўшимчалари уларнинг ҳар бири I шахсга, шу билан бирга, кўп шахсга тегишли эканини ифодалайди. Масалан:

Бирлик

Кўплик

I шахс кўйлагим – сўби

кўйлагимиз – сўбна

II шахс кўйлагинг – сўбак

кўйлагингиз – сўбқум

III шахс кўйлаги – сўба

кўйлаглари – сўбатқум

Эгалик қўшимчалари предметнинг уч шахсдан бирига қарашли эканини билдириш жиҳатидан учга, бирилик ва кўплик сонларига кўра иккига бўлинади.

Қуйидаги жадвалда Жейнов араб шевасига оид бир қанча отларнинг эгалик маъноси билан турланиш ҳолатини кўриб чиқамиз.

№	от шакли	шахс	бирликда		кўпликда	
			ўзбекча	арабча	ўзбекча	арабча
1	<i>олма</i>	I	<i>олмам</i>	туффааҳи	<i>олмамиз</i>	туффаҳна
		II	<i>олманг</i>	туффаҳак	<i>олмамиз</i>	туффаҳқум
		III	<i>олмаси</i>	тўффаҳа	<i>олмалари</i>	туффаҳатум
2	<i>ака</i>	I	<i>акам</i>	кокоти	<i>акамиз</i>	кокатна
		II	<i>аканг</i>	кокотак	<i>акангиз</i>	кокатқум
		III	<i>акаси</i>	кокота	<i>акалари</i>	коқаятумат

3	<i>бош</i>	I	<i>бошим</i>	роси	<i>бошимиз</i>	росна
		II	<i>бошинг</i>	росак	<i>бошингиз</i>	роскум
		III	<i>боши</i>	роса	<i>бошлари</i>	росатум
4	<i>қўл</i>	I	<i>қўлим</i>	иди	<i>қўлимиз</i>	идна
		II	<i>қўлинг</i>	идак	<i>қўлингиз</i>	идкум
		III	<i>қўли</i>	ида	<i>қўллари</i>	идатум
5	<i>қўйлак</i>	I	<i>қўйлагим</i>	сўби	<i>қўйлагимиз</i>	сўбна
		II	<i>қўйлагинг</i>	сўбак	<i>қўйлагингиз</i>	сўбкум
		III	<i>қўйлаги</i>	сўба	<i>қўйлаклари</i>	сўбаткум
6	<i>ўғил</i>	I	<i>ўғлим</i>	валди	<i>ўғлимиз</i>	валадна
		II	<i>ўғлинг</i>	валдак	<i>ўғлингиз</i>	валадкум
		III	<i>ўғли</i>	валда	<i>ўғиллари</i>	валатум
7	<i>ота</i>	I	<i>отам</i>	абуя	<i>отамиз</i>	абуна
		II	<i>отанг</i>	абук	<i>отангиз</i>	абукум
		III	<i>отаси</i>	абу	<i>оталари</i>	абутум
8	<i>она</i>	I	<i>онам</i>	умми	<i>онамиз</i>	умна
		II	<i>онанг</i>	уммак	<i>онангиз</i>	умкум
		III	<i>онаси</i>	умма	<i>оналари</i>	умматум
9	<i>қиз</i>	I	<i>қизим</i>	бинти	<i>қизимиз</i>	бинтна
		II	<i>қизинг</i>	бинтак	<i>қизингиз</i>	бинткум
		III	<i>қизи</i>	бинта	<i>қизлари</i>	бинтум
10	<i>ука</i>	I	<i>укам</i>	ахуя	<i>укамиз</i>	ахуна
		II	<i>уканг</i>	ахук	<i>укангиз</i>	ахукум
		III	<i>укаси</i>	аху	<i>укалари</i>	ахуватум
11	<i>сингил</i>	I	<i>синглим</i>	ухти	<i>синглимиз</i>	ухтна
		II	<i>синглинг</i>	ухтак	<i>синглингиз</i>	ухткум
		III	<i>сингли</i>	ухта	<i>сингиллари</i>	ухтумат
12	<i>опа</i>	I	<i>опам</i>	дадати	<i>опамиз</i>	дадатна
		II	<i>опанг</i>	дадатак	<i>опангиз</i>	дадаткум
		III	<i>опаси</i>	дадата	<i>опалари</i>	дадатум

## ОТЛАР ЛУҒАТИ

	Ўзбекча	Арабча		Ўзбекча	Арабча
1	<i>адаб</i>	адаб	30	<i>буйрак</i>	килва
2	<i>ажал</i>	ажал	31	<i>бузоқ</i>	хўжак
3	<i>ана</i>	ҳейла	32	<i>буздой</i>	ҳунта
4	<i>ақл</i>	агл	33	<i>бўйин</i>	рубга
5	<i>ариқ</i>	наҳар	34	<i>бўз</i>	хом
6	<i>арпа</i>	ишъийр	35	<i>бешик</i>	сарир
7	<i>арқон</i>	хэт	36	<i>биби</i>	жидду
8	<i>арра</i>	арра	37	<i>бигиз</i>	бигиз
9	<i>атала</i>	Файваҳа	38	<i>бино</i>	имораҳ
10	<i>аврат</i>	аврат	39	<i>бобо</i>	жадди
11	<i>аввал</i>	аввал	40	<i>бош</i>	рос
12	<i>айил</i>	айил	41	<i>бола</i>	разих
13	<i>айб</i>	ийб	42	<i>баҳона</i>	баҳона
14	<i>аёл</i>	мора	43	<i>дада</i>	абу
15	<i>айрон</i>	чолоб	44	<i>дамба</i>	бўгат
16	<i>аза</i>	аза	45	<i>данак</i>	мижона
17	<i>баҳор</i>	рабиъ	46	<i>дастурхон</i>	махфар
18	<i>бало</i>	бала	47	<i>давлат</i>	дўла
19	<i>банда</i>	банда	48	<i>доя</i>	доя
20	<i>бақа</i>	лигликка	49	<i>дераза</i>	дераза
21	<i>барибир</i>	куллафад	50	<i>девона</i>	мажнун
22	<i>бармоқ</i>	лилия	51	<i>девор</i>	ҳойит
23	<i>барча</i>	кулла	52	<i>дил</i>	галиб
24	<i>беда</i>	йўришқа	53	<i>дока</i>	адва
25	<i>бел</i>	бил	54	<i>дон</i>	дан
26	<i>бемор</i>	касал	55	<i>довучча</i>	давча
27	<i>бекул</i>	беариза	56	<i>доя</i>	доя
28	<i>бет</i>	вач	57	<i>дуд</i>	духхан
29	<i>бозор</i>	ҳами, хаммани	58	<i>дум</i>	зел

59	<i>дунё</i>	дуня	91	<i>калава</i>	калава
60	<i>дўст</i>	ҳазари	92	<i>калла</i>	рос
61	<i>фаррош</i>	йигуш	93	<i>каллакесар</i>	росигус
62	<i>фикр</i>	факкар	94	<i>кана</i>	кана
63	<i>фойда</i>	фойда	95	<i>каптар</i>	кафтар
64	<i>гадо</i>	гадой	96	<i>касал</i>	касал
65	<i>гап</i>	ламаз	97	<i>келин</i>	кажна
66	<i>гавда</i>	гавда	98	<i>кетмон</i>	кетмон
67	<i>дазмол</i>	халап	99	<i>ким</i>	мин
68	<i>гилам</i>	ипсот	100	<i>киндик</i>	сурра
69	<i>говмуш</i>	боша	101	<i>киприк</i>	мижжа
70	<i>гугурт</i>	йичиккун	102	<i>кисса</i>	кисса
71	<i>гузар</i>	гузар	103	<i>китоб</i>	китоб
72	<i>гўр</i>	габр	104	<i>кийим</i>	либос
73	<i>гўшит</i>	лаҳм	105	<i>кийик</i>	ғазала
74	<i>ҳасса</i>	ҳаса	106	<i>касов</i>	ниҳраз
75	<i>ҳайит</i>	ийд	107	<i>кул</i>	руммод
76	<i>ҳовли</i>	бэт	108	<i>кунда</i>	кунда
77	<i>ҳовуз</i>	ҳўз	109	<i>курра (шар)</i>	курра
78	<i>ҳожтхона</i>	мадраф	110	<i>куёв</i>	сухур
79	<i>ҳақорат</i>	шатам	111	<i>куз</i>	трамо
80	<i>ҳўкиз</i>	багир	112	<i>кеч</i>	ҳэл
81	<i>элак</i>	парбиза	113	<i>кўкрак</i>	гасас
82	<i>эмчак</i>	дед	114	<i>кўрна</i>	илҳаф
83	<i>эрка</i>	ҳарза	115	<i>кўз</i>	ийн
84	<i>эркак</i>	рижжал	116	<i>кўза</i>	куза
85	<i>эркак-аёл</i>	рижжал- хурмо	117	<i>кўзгу</i>	мунзара
86	<i>эр-хотин</i>	зуж-мора	118	<i>кўйлак</i>	сўб
87	<i>этик</i>	муза	119	<i>игна</i>	ибра
88	<i>эшак</i>	ихмор	120	<i>илон</i>	ҳаййа
89	<i>эшик</i>	дарбет	121	<i>ип</i>	хэт
90	<i>эчки</i>	анза	122	<i>иморат</i>	имора

123	<i>инсон</i>	адими	154	<i>маош</i>	моёна
124	<i>исирик</i>	халмар	155	<i>мол</i>	мал
125	<i>исм</i>	исм	156	<i>мовий</i>	мовий
126	<i>ит</i>	калб	157	<i>мунчоқ</i>	хараз
127	<i>из</i>	асар	158	<i>мурда</i>	маййит
128	<i>иш</i>	кор	159	<i>муз</i>	ях
129	<i>иштон</i>	илбас	160	<i>огиз</i>	халиг
130	<i>ичак</i>	рўда	161	<i>одам</i>	адими
131	<i>жасад</i>	жасад	162	<i>олдин</i>	гиддам
132	<i>жағ</i>	жағ	163	<i>олма</i>	туффах
133	<i>жанг</i>	арк	164	<i>она</i>	ум
134	<i>жаҳл</i>	қэз	165	<i>она-бола</i>	ум-розиҳ
135	<i>жигар</i>	кабда	166	<i>она</i>	дада
136	<i>жин</i>	жин	167	<i>она-сингил</i>	дадаи-ухти
137	<i>жон</i>	руҳ	168	<i>она-ука</i>	дадаи-нини
138	<i>жой</i>	гоа	169	<i>оқ сичқон</i>	ижредин обез
139	<i>жул</i>	жул	170	<i>орқа</i>	вара
140	<i>жун</i>	суф	171	<i>осмон</i>	самаъ
141	<i>кабоб</i>	кабоб	171	<i>от</i>	фарасс
142	<i>кафан</i>	кафан	172	<i>ота</i>	абу
143	<i>лаган</i>	тоғора	173	<i>ота-она</i>	абу-ум
144	<i>либос</i>	либос	174	<i>овоз</i>	ҳис
145	<i>лом</i>	мисрон	175	<i>охур</i>	охур
146	<i>лозим (кийим)</i>	илбас	176	<i>ой</i>	гамар
147	<i>ном</i>	исм	177	<i>оёқ</i>	ижил
148	<i>нон-қатиқ</i>	хубуз-идам	178	<i>ош</i>	задд
149	<i>новвот</i>	нобот	179	<i>очиқ</i>	мафтуш
150	<i>нафс</i>	нафс	180	<i>палов</i>	задд
151	<i>нам</i>	рутба	181	<i>пақир</i>	сатил
152	<i>нима</i>	еш	182	<i>парда</i>	парда
153	<i>нон</i>	хубуз	183	<i>патир</i>	маргуга

184	<i>пахса</i>	пахса	215	<i>қўшни</i>	ҳамсоя
185	<i>пешоб</i>	бул	216	<i>қум</i>	агида
186	<i>пес</i>	пес	217	<i>ранг</i>	ранг
187	<i>пиёз</i>	басал	218	<i>рози</i>	рози
188	<i>пичан</i>	сижар	219	<i>ризқ</i>	ризқ
189	<i>пичоқ</i>	ҳадда	220	<i>сингил</i>	ухт
190	<i>пул</i>	ариза	221	<i>сотил</i>	сотил
191	<i>пиёла</i>	пияла	222	<i>сават</i>	сабалда
192	<i>пода</i>	пода	223	<i>сас</i>	ҳис
193	<i>пошна</i>	пошна	224	<i>сабзи</i>	жизар
194	<i>пахта</i>	гутин	225	<i>сигир</i>	боша
195	<i>қабр</i>	габр	226	<i>соқол</i>	лиҳия
196	<i>қаёқ</i>	ҳайтараф	227	<i>соч</i>	саъароз
197	<i>қанор</i>	қанора	228	<i>сочиқ</i>	даспок (вач ид тайбун)
198	<i>қари (қария)</i>	наб	229	<i>суяк</i>	аъзам
199	<i>қатиқ</i>	идам	230	<i>тер</i>	араг
200	<i>қатлама</i>	қатлама	231	<i>тирноқ</i>	ифтир
201	<i>қиз</i>	бинт	232	<i>тепа</i>	баландия
202	<i>қил (жун)</i>	суф	233	<i>теша</i>	тиша
203	<i>қиш</i>	иштаъ	234	<i>тирсак</i>	тирсак
204	<i>қовун</i>	ажжур	235	<i>тиш</i>	син
205	<i>қон</i>	дам	236	<i>том</i>	фўғ ҳойит
206	<i>қор</i>	салж	237	<i>томир</i>	арг
207	<i>қорин</i>	ботин	238	<i>томоқ</i>	ҳанжур
208	<i>қош</i>	ҳажиб	239	<i>тоқ</i>	тоқ
209	<i>қудуқ</i>	жуфур	240	<i>товоқ</i>	тавши
210	<i>қўзи</i>	ҳаруф	241	<i>тоға</i>	лоли
211	<i>қўзи (урғочи)</i>	ҳаруфа	242	<i>тош</i>	хишт
212	<i>қўй</i>	наъжа	243	<i>тупроқ</i>	итроб
213	<i>қулф</i>	кулф	244	<i>тутун</i>	духхан



245	<i>тухум</i>	беза	278	<i>елка</i>	енгса
246	<i>туя</i>	ибъир	279	<i>ер</i>	гоа
247	<i>туя (урғочи)</i>	нога	280	<i>ер-сув</i>	гоа-муйя
248	<i>туз</i>	милх	281	<i>енг</i>	ирдин
249	<i>туш</i>	ҳилм	282	<i>ёқа</i>	зиг
250	<i>тўн</i>	габо	283	<i>ёстиқ</i>	полишта
251	<i>тўқим</i>	тўқим	284	<i>ёғ</i>	диҳин
252	<i>тўй</i>	ирс	285	<i>ёрма</i>	жариша
253	<i>тароқ</i>	мушт	286	<i>юрак</i>	галиб
254	<i>таёқ</i>	аса	287	<i>йўл</i>	дарб
255	<i>тегирмон</i>	рихҳа	288	<i>зувала</i>	зувала
256	<i>телпак</i>	шаппўша	289	<i>ўлим</i>	мут
257	<i>тўрва</i>	мухло	290	<i>ўрик</i>	зардоли
258	<i>тўшак</i>	ифраш	291	<i>ўроқ</i>	яхастун
259	<i>товуқ</i>	тера	292	<i>ўгил-қиз</i>	валд бинт
260	<i>ун</i>	дигиг	293	<i>ўчоқ</i>	дигдан
261	<i>уруғ</i>	уруғ	294	<i>галла</i>	таом
262	<i>ука</i>	аху	295	<i>галвир</i>	ғалбир
263	<i>уст бош</i>	сарпо	296	<i>ғусл</i>	ғусл
264	<i>уй</i>	бэт	297	<i>шаҳар</i>	мадина
265	<i>узум</i>	иънаб	298	<i>шол</i>	шалда
266	<i>уйқу</i>	нўм	299	<i>шўрва</i>	марага
267	<i>халачўп</i>	хиллачўп	300	<i>чарви</i>	чарби
268	<i>халта</i>	харита	301	<i>чаён</i>	агирба
269	<i>хамир</i>	ажин	302	<i>чангал</i>	чангола
270	<i>хеиш</i>	насиб	303	<i>чакак</i>	манаҳ
271	<i>хола</i>	лола	304	<i>чакка</i>	чаккида
272	<i>хотин</i>	мора	305	<i>чанг тупроқ</i>	чанг итроб
273	<i>худо</i>	рабб	306	<i>чиқ</i>	итлаҳ
274	<i>хўп</i>	хай	307	<i>чивин</i>	зиббан
275	<i>халқ</i>	нас	308	<i>чой</i>	мур
276	<i>йил</i>	сана	309	<i>чойдиш</i>	чойдиш
277	<i>йигит</i>	саби	310	<i>чумоли</i>	мурча

311	чўп	уд			
-----	-----	----	--	--	--

## БАЪЗИ СЎЗЛАР ҚИЁСИ

т/р	Жейнов араб шевасида	Араб адабий тилида
1	басал	басалун
2	ботин	батнун
3	вач	важхун
4	ғазала	ғазола
5	галб	қалбун
6	гамар	қамарун
7	гидр	қидр
8	жизар	жазар
9	жоон	жавъан
10	ид	йадун
11	ижи	рижл
12	изн	узн
13	ийн	ъайнун
14	илсан	лисанун
15	ишъийр	шаъир
16	йўм	йавм
17	кабда	кибд
18	кибир	кабирун
19	килва	килятун
20	кэф	кайфа
21	лиҳия	лиҳя
22	мўғирфа	миғрофа
23	нажма	нажмун
24	наҳна	наҳну
25	рос	раъсун
26	ҳалиб	лабанун

## РАВИШ

№	Ўзбек тилида	Араб тилида
1	<i>Бари</i>	Кулла
2	<i>Баъзан</i>	бадвақта
3	<i>Бир қанча</i>	Фад ҳингиз
4	<i>Зарб</i>	Зарб
5	<i>Ис</i>	Риҳа
6	<i>Йилдан йилга</i>	Минсана сана
7	<i>Кам</i>	Глил
8	<i>Катта</i>	Кибир
9	<i>Качон</i>	Имит
10	<i>Керак</i>	Даркор
11	<i>Кесик</i>	Мингаз
12	<i>Кирди, чиқди</i>	Дахал, талаъ
13	<i>Кун</i>	Йўм
14	<i>Кундуз</i>	Нахар
15	<i>Кўп</i>	Кон
16	<i>Қанча</i>	Ҳингиз
17	<i>Майда</i>	кассир
18	<i>Майли</i>	Майли
19	<i>Нари, бери</i>	Ғоди, же
20	<i>Олдин, кетин</i>	Гидам, вара
21	<i>Остун, устун</i>	Фўг, поин
22	<i>Секин</i>	Ҳавор
23	<i>Тез</i>	Часпон
24	<i>Тонг</i>	Азон
25	<i>Ўзидан-ўзи</i>	Минруҳ-руҳа
26	<i>Унча</i>	Ҳингиз
27	<i>Унча-мунча</i>	Ҳингиз-пингиз
28	<i>Учун</i>	Баъаз еш
29	<i>Хўп</i>	Хай
30	<i>Ҳар қандай</i>	Кул кеф

31	<i>Ҳол-аҳвол</i>	Ҳол-аҳвол
32	<i>Яна</i>	Бо
33	<i>Яъни</i>	Яъни
34	<i>Энди</i>	Иннўб

## СИФАТ

Предметлардаги бир хил белгининг ортиқ камлиги жиҳатидан фарқланиши сифат даражаси дейилади. Сифатларнинг уч хил даражаси бор: *оддий даража, қиёсий даража ва орттирма даража.*

Бир предметдаги белги бошқа предметдаги белгига таққослан-маса, *оддий даража* дейилади: *катта, кичик, чиройли, кучли.*

Бир предметдаги белги бошқа предметдаги худди шундай белгига таққосланишидан *қиёсий ва орттирма* даража ясалади.

Қиёсий даража предметдаги бир белгининг бошқа предметдаги худди шундай белгидан ортиқ эканлигини ифодалайди. Қиёсий даража оддий даражага *-роқ* қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Масалан, *баландроқ.*

Орттирма даража предметдаги бир белгининг бошқа предметдаги худдий шундай белгига нисбатан кўп эканлигини ифодалайди. Орттирма даража оддий даражадаги сифат олдидан *энг, ҳаммадан* сўзларини келтириш билан ясалади. Масалан, *энг катта, энг кичик, энг чиройли, энг кучли.*

*Кичик* сўзини учта даража бўйича намунаси:

оддий даражада: *кичик*

қиёсий даражада: *кичикроқ*

орттирма даражада: *энг кичик*

Намунанинг давомини жадвал кўринишда келтирдик.

## СИФАТЛАРНИНГ ДАРАЖАЛАНИШИ

№	Сифат шакли	оддий даража	киёсий даража	орттима даража
1	<i>арзон</i>	ирхис	ирхистар	кисир ирхис
2	<i>аччиқ</i>	мур	муртар	кисир мур
3	<i>қалин</i>	ғализ	ғализтар	кисир ғализ
4	<i>суюқ</i>	рав	равтар	кисир рав
5	<i>зўр</i>	ҳил	ҳилтар	кисир ҳил
6	<i>янги</i>	жидид	жидидтар	кисир жидид
7	<i>яхши</i>	зен	зентар	кисир зен
8	<i>ёмон</i>	ганд	гандтар	кисир ганд
9	<i>эски</i>	халак	халактар	ксири халак
10	<i>узун</i>	тавил	тавилтар	ксири тавил
11	<i>калта</i>	гасир	гасиртар	кисир гасир
12	<i>қиммат</i>	қоли	қолитар	кисир қоли
13	<i>қуруқ</i>	ябис	ябистар	кисир ябис

## СИФАТЛАР ЛУҒАТИ

1	<i>абжир</i>	идо	15	<i>қуруқ</i>	ябис
2	<i>анча</i>	надгили	16	<i>синиқ</i>	максур
3	<i>арзон</i>	ирхис	17	<i>суюқ</i>	рав
4	<i>аста</i>	ҳавор	18	<i>тешик</i>	махаруг
5	<i>атайин</i>	жавурта	19	<i>тинч</i>	тинч
6	<i>айб</i>	ийб	20	<i>тўғри</i>	тўғри
7	<i>азоб</i>	азоб	21	<i>увол</i>	ўбол
8	<i>аччиқ</i>	мур	22	<i>узун</i>	тавил
9	<i>бадбашара</i>	намуд	23	<i>хом</i>	ний
10	<i>баланд</i>	фўғ	24	<i>ямоқ</i>	рубха
11	<i>баравар</i>	баробар	25	<i>яп-яланғоч</i>	луб-луччак
12	<i>бетгачопар</i>	вачяаҳди	26	<i>расво</i>	малаққа
13	<i>билинар</i>	йиндри	27	<i>яшил</i>	ахазар
14	<i>билинмас</i>	майиндри	28	<i>яширин</i>	ламма

29	<i>бир хил</i>	фад хел	54	<i>янги</i>	жидид
30	<i>дарров</i>	ҳозир	55	<i>енгил</i>	ҳафик
31	<i>эгри</i>	ааваж	56	<i>ёлгон</i>	кизиб
32	<i>дўнг</i>	дўнгия	57	<i>ёриқ</i>	макатта
33	<i>эски</i>	халак	58	<i>ёш</i>	ёш
34	<i>ҳид</i>	риҳа	59	<i>юқори</i>	фўг
35	<i>ҳозир</i>	ҳозир	60	<i>зарур</i>	зарур
36	<i>ҳурмат</i>	ҳизза	61	<i>зино</i>	зинор
37	<i>ҳўл</i>	рутуб	62	<i>зич</i>	зич
38	<i>ифлос</i>	ҳалфар	63	<i>зўр</i>	ҳил
39	<i>иссиқ</i>	ҳар	64	<i>зўрга</i>	минҳил
40	<i>иззат</i>	хурмоҳ	65	<i>ўнг чап</i>	ўнг чап
41	<i>игво</i>	игво	66	<i>ўч</i>	интаффан
42	<i>ишқилиб</i>	ҳамэк	67	<i>ширин</i>	хулу
43	<i>жанжал</i>	арк	68	<i>шўр</i>	мамиҳ
44	<i>жавзо</i>	жавзо	69	<i>калта</i>	гасир
45	<i>жим</i>	дам	70	<i>огир</i>	сагил
46	<i>жинни</i>	мажнун	71	<i>оппоқ</i>	оббез
47	<i>майиб</i>	маҳиб	72	<i>қалин</i>	ғалис
48	<i>малла</i>	асвар	73	<i>қашқа</i>	қашқа
49	<i>нима</i>	еш	74	<i>қип-қизил</i>	аҳхамаран
50	<i>оқ</i>	обез	75	<i>қийин</i>	қийин
51	<i>ортиқ</i>	зиёд	76	<i>қора</i>	асват
52	<i>пишган</i>	масти	77	<i>кичик</i>	изғийр
53	<i>ҳойил</i>	ҳомиладор	78	<i>юқори</i>	фўг

## ОЛМОШ

Олмошлар маъно ва грамматик белгилари жиҳатидан етти турга бўлинади.

### 1. Кишилик олмошлари:

Мен – ана, биз – наҳна, сен – инта (инти), сиз – инту

У – зок (зик), улар – зиклонат (зикланна)

### 2. Кўрсатиш олмошлари:

Бу – ҳаз, шу – ҳамаз, у – зок, ўша – ҳам зока, ана у – ҳейла зок.

Мана шу – мана ҳамаз, ана ўша – ҳам зок.

### 3. Сўроқ олмошлари:

Ким – мин, нима – еш, қандай – кэф, қанақа – кэфия, неча – ҳингиз, қанча – ҳингиз, қаер – ишко.

### 4. Белгилаш олмошлари:

Ҳамма – кулла, барча – кулла, баъзи – фад, ҳар ким – кул мин, ҳар қайси – кул кэф.

### 5. Ўзлик олмоши:

Ўзим – будраҳа, ўзимдан – минруҳи, ўзимнинг – илруҳи, ўзимга – ируҳи, ўзингиз – будруҳкум, ўзингизга – ируҳкум.

### 6. Бўлишсизлик олмошлари:

Ҳеч ким – гатта ҳат, ҳеч нарса – гат тиш, ҳеч бир – гат фашши.

### 7. Гумон олмошлари:

Кимдир – минувва, бир нарса – фад ши, баъзи биров – фад хел.

*Изоҳ:* қавслар ичида муаннас (аёллар) жинсига оид сўзлар.

## СОҢЛАР

- 1 – фадҳад
- 2 – иснеен
- 3 – салас
- 4 – орбаъ

**Изоҳ:** Жейнов араб шевасида тўртдан юқори сонларни ифодолашда асл арабча эмас, форсча рақамлардан фойдаланиб келинади. Шу сабабли уларни келтиришни лозим топмадик.

## II. ФЕЪЛ

Араб тилида икки грамматик жинс музаккар ва муаннас жинслари мавжуд бўлиб улар рус тилидаги мужский ва женский родларига мувофиқ келади (мужский – музаккар, женский – муаннас).

Феъл сўз туркумини ифодолашда эркакларга музаккар, аёлларга эса муаннас грамматик жинсларини бердик.

### ФЕЪЛЛАРНИНГ БУЙРУҚ ВА ИНКОР ШАКЛЛАРИ

т/ р	Бирликда	кўпликда	хурмат	бирикда	кўпликда
	музаккар	музаккар	юзасидан	муаннас	муаннас
1	<i>аксир</i>	<i>аксиринглар</i>	<i>аксиринг</i>	<i>аксир</i>	<i>аксиринглар</i>
	акса	аксуват	аксу	акси	аксинна
	<i>аксирма</i>	<i>аксирманг-лар</i>	<i>аксирманг</i>	<i>аксирма</i>	<i>аксирманг-лар</i>
	латакса	латаксунат	латаксу	латаксин	латаксинна
2	<i>алда</i>	<i>алданглар</i>	<i>алданг</i>	<i>алда</i>	<i>алданглар</i>
	казба	казбуват	казбу	казби	казбинна
	<i>алдама</i>	<i>алдаманглар</i>	<i>алдаманг</i>	<i>алдама</i>	<i>алдаманглар</i>
	латказба	латказбунат	латказбу	латказбин	латказбинна
3	<i>уқала</i>	<i>уқаланглар</i>	<i>уқаланг</i>	<i>уқала</i>	<i>уқаланглар</i>
	уфруг	уфругуват	уфругу	уфруги	уфругинна
	<i>уқалама</i>	<i>уқаламанг-лар</i>	<i>уқаламанг</i>	<i>уқалама</i>	<i>уқаламанг-лар</i>
	латуфруг	латуфругу-	латуфру-	латуфру-	латуфругин-



		нат	гун	гин	на
4	<i>арт</i>	<i>артинглар</i>	<i>артинг</i>	<i>арт</i>	<i>артинглар</i>
	таййиб	тайбуват	тайбу	тайби	тайбинн
	<i>артма</i>	<i>артманглар</i>	<i>артманг</i>	<i>артма</i>	<i>артманглар</i>
	латтайиб	латтайбунат	латтайбу	латтайбин	латтайбинна
5	<i>қидир</i>	<i>қидиринглар</i>	<i>қидиринг</i>	<i>қидир</i>	<i>қидиринглар</i>
	даввур	давруват	давру	даври	давринна
	<i>қидирма</i>	<i>қидирманглар</i>	<i>қидирманг</i>	<i>қидирма</i>	<i>қидирманглар</i>
	ладдавур	ладдавруват	ладдавру	ладдаврин	ладдавринна
6	<i>айлан</i>	<i>айланинглар</i>	<i>айланинг</i>	<i>айлан</i>	<i>айланинглар</i>
	ифтар	ифтаруват	ифтару	ифтари	ифтаринна
	<i>айланма</i>	<i>айланманглар</i>	<i>айланманг</i>	<i>айланма</i>	<i>айланманглар</i>
	латифтар	латифтарунат	латифтарун	латифтарин	латифтаринна
7	<i>айт</i>	<i>айтинглар</i>	<i>айтинг</i>	<i>айт</i>	<i>айтинглар</i>
	гул	гулуват	гулу	гули	гулинна
	<i>айтма</i>	<i>айтманглар</i>	<i>айтманг</i>	<i>айтма</i>	<i>айтманлар</i>
	латгул	латгулунат	латгулун	латгулин	латгулинна
8	<i>ағнат</i>	<i>ағнатинглар</i>	<i>ағнатинг</i>	<i>ағнат</i>	<i>ағнатинглар</i>
	тимарғал	тимарғалуват	тимарғалу	тимарғали	тимарғалинна
	<i>ағнатма</i>	<i>ағнатманглар</i>	<i>ағнатманг</i>	<i>ағнатманг</i>	<i>ағнатманглар</i>
	латтимарғал	латтимарғалунат	латтимарғалун	латтимарғалин	латтимарғалинна
9	<i>ағдар</i>	<i>ағдаринглар</i>	<i>ағдаринг</i>	<i>ағдар</i>	<i>ағдаринглар</i>
	дайра	дайруват	дайру	дайри	дайринна
	<i>ағдарма</i>	<i>ағдарманглар</i>	<i>ағдарманг</i>	<i>ағдарма</i>	<i>ағдарманглар</i>
	латдайир	латдайрунат	латдайрун	латдайрин	латдайринна
10	<i>бажар</i>	<i>бажаринглар</i>	<i>бажаринг</i>	<i>бажар</i>	<i>бажаринглар</i>

	мужро сав	мужро савуват	мужро саву	мужр сави	мужр савинна
	<i>бажарма</i>	<i>бажарманглар</i>	<i>бажарманг</i>	<i>бажарма</i>	<i>бажарманглар</i>
	Мужро латсав	мужр латсавунат	мужро латсаву	мужро латсавин	мужро лаисавинна
11	<i>бур (бура)</i>	<i>буринглар</i>	<i>буринг</i>	<i>бур</i>	<i>буринглар</i>
	убрум	убрумуват	убруму	убри	убринна
	<i>бурма</i>	<i>бурманглар</i>	<i>бурманг</i>	<i>бурма</i>	<i>бурманглар</i>
	латубрум	латубрунат	латубрун	латибрин	латибринна
12	<i>бақир</i>	<i>бақирманглар</i>	<i>бақиринг</i>	<i>бақир</i>	<i>бақиринглар</i>
	Шовқин сув	шовқин сувуват	шовқин суву	Шовқин суви	шовқин сувинна
	<i>бақирма</i>	<i>бақирманглар</i>	<i>бақирманг</i>	<i>бақирма</i>	<i>бақирманглар</i>
	ШОВҚИН латси	ШОВҚИН латсунат	ШОВҚИН латсуву	ШОВҚИН латси	ШОВҚИН латсинна
13	<i>бела</i>	<i>беланглар</i>	<i>беланг</i>	<i>бела</i>	<i>беланглар</i>
	шид	шиддуват	шидду	шидди	шиддинна
	<i>белама</i>	<i>беламанглар</i>	<i>беламанг</i>	<i>белама</i>	<i>беламанглар</i>
	ладшид	ладшиддунат	ладшиддун	ладшиддин	ладшиддинна
14	<i>бил</i>	<i>билинглар</i>	<i>билинг</i>	<i>бил</i>	<i>билинглар</i>
	идир	идруват	идру	идри	идринна
	<i>билма</i>	<i>билманглар</i>	<i>билманг</i>	<i>билма</i>	<i>билманглар</i>
	латидри	латидрунат	латидрун	латидрин	латидринна
15	<i>бор</i>	<i>боринглар</i>	<i>боринг</i>	<i>бор</i>	<i>боринглар</i>
	уғда	уғдуват	уғду	уғди	уғдинна
	<i>борма</i>	<i>борманглар</i>	<i>борманг</i>	<i>борма</i>	<i>борманглар</i>
	латағади	латағадунат	латағадун	латағадин	латағадинна
16	<i>бер</i>	<i>беринглар</i>	<i>беринг</i>	<i>бер</i>	<i>беринглар</i>
	ихт	ихтуват	ихту	ихти	ихтинна

	<i>берма</i>	<i>берманглар</i>	<i>берманг</i>	<i>берма</i>	<i>берманглар</i>
	латиҳти	латиҳтунат	латиҳтун	латиҳтин	латиҳтинна
17	<i>белгила</i>	<i>белгиланглар</i>	<i>белгиланг</i>	<i>белгила</i>	<i>белгиланглар</i>
	балли сув	балли сувуват	балли суву	балли суви	балли сувинна
	<i>белгилама</i>	<i>белгиламанг- лар</i>	<i>белгила- манг</i>	<i>белгилама</i>	<i>белгиламанг- лар</i>
	балли латсув	балли латсувунат	балли латсувун	балли латсуви	балли латсувинна
18	<i>беза</i>	<i>безанглар</i>	<i>безанг</i>	<i>беза</i>	<i>безанглар</i>
	санъа	санъуват	санъу	санъи	санъинна
	<i>безама</i>	<i>безаманглар</i>	<i>безаманг</i>	<i>безама</i>	<i>безаманглар</i>
	латсанъин	латсанъунат	латсанъун	латсанъи	латсанъинна
19	<i>булга</i>	<i>булганглар</i>	<i>булганг</i>	<i>булга</i>	<i>булганглар</i>
	лақма	лақмуват	лақму	лақми	лақминна
	<i>булгама</i>	<i>булгаманглар</i>	<i>булгаманг</i>	<i>булгама</i>	<i>булгаманглар</i>
	латлақма	латлақмунат	латлақмун	латлақми	латлақминна
20	<i>бос</i>	<i>босинглар</i>	<i>босинг</i>	<i>бос</i>	<i>босинглар</i>
	дус	дусуват	дусу	дуси	дусинна
	<i>босма</i>	<i>босманглар</i>	<i>босманг</i>	<i>босма</i>	<i>босманглар</i>
	ладдус	ладдусунат	латдусун	латдусин	латдусинна
21	<i>буз</i>	<i>бузинглар</i>	<i>бузинг</i>	<i>буз</i>	<i>бузинглар</i>
	берим	бермуват	берму	берми	берминна
	<i>бузма</i>	<i>бузманглар</i>	<i>бузманг</i>	<i>бузма</i>	<i>бузманглар</i>
	латберим	латбермунат	латбермун	латбермин	латберминна
22	<i>бошла</i>	<i>бошланглар</i>	<i>бошланг</i>	<i>бошла</i>	<i>бошланглар</i>
	иншиб	иншибуват	иншибу	иншиби	иншибинна
23	<i>бер</i>	<i>беринглар</i>	<i>беринг</i>	<i>бер</i>	<i>беринглар</i>
	иҳт	иҳтуват	иҳту	иҳти	иҳтинна
	<i>берма</i>	<i>берманглар</i>	<i>берманг</i>	<i>берма</i>	<i>берманглар</i>
	латиҳти	латиҳтунат	латиҳтун	латиҳтин	латиҳтинна
24	<i>белгила</i>	<i>белгиланглар</i>	<i>белгиланг</i>	<i>белгила</i>	<i>белгиланглар</i>
	балли сув	балли	балли суву	балли суви	балли

		сувуват			сувинна
	<i>белгилама</i>	<i>белгиламанг-лар</i>	<i>белгила-манг</i>	<i>белгилама</i>	<i>белгиламанг-лар</i>
	балли латсув	балли латсувунат	балли латсувун	балли латсуви	балли латсувинна
25	<i>беза</i>	<i>безанглар</i>	<i>безанг</i>	<i>беза</i>	<i>безанглар</i>
	санъа	санъуват	санъу	санъи	санъинна
	<i>безама</i>	<i>безаманглар</i>	<i>безаманг</i>	<i>безама</i>	<i>безаманглар</i>
	латсанъин	латсанъунат	латсанъун	латсанъи	латсанъинна
26	<i>булга</i>	<i>булганглар</i>	<i>булганг</i>	<i>булга</i>	<i>булганглар</i>
	лақма	лақмуват	лақму	лақми	лақминна
	<i>булгама</i>	<i>булгаманглар</i>	<i>булгаманг</i>	<i>булгама</i>	<i>булгаманглар</i>
	латлақма	латлақмунат	латлақмун	латлақми	латлақминна
27	<i>бос</i>	<i>босинглар</i>	<i>босинг</i>	<i>бос</i>	<i>босинглар</i>
	дус	дусуват	дусу	дуси	дусинна
	<i>босма</i>	<i>босманглар</i>	<i>босманг</i>	<i>босма</i>	<i>босманглар</i>
	ладдус	ладдусунат	латдусун	латдусин	латдусинна
28	<i>буз</i>	<i>бузинглар</i>	<i>бузинг</i>	<i>буз</i>	<i>бузинглар</i>
	берим	бермуват	берму	берми	берминна
	<i>бузма</i>	<i>бузманглар</i>	<i>бузманг</i>	<i>бузма</i>	<i>бузманглар</i>
	латберим	латбермунат	латбермун	латбермин	латберминна
29	<i>бошла</i>	<i>бошланглар</i>	<i>бошланг</i>	<i>бошла</i>	<i>бошланглар</i>
	иншиб	иншибуват	иншибу	иншиби	иншибинна
	<i>бошлама</i>	<i>бошламанг-лар</i>	<i>бошламанг</i>	<i>бошламанг</i>	<i>бошламанг-лар</i>
	латиншиб	латиншибу-нат	латинши-бу	латинши-би	латиншибин-на
30	<i>боқ (мол)</i>	<i>боқинглар</i>	<i>боқинг</i>	<i>боқ</i>	<i>боқинглар</i>
	иръа	иъруват	иъру	иъри	иъринна
	<i>боқма</i>	<i>боқманглар</i>	<i>боқманг</i>	<i>боқма</i>	<i>боқманглар</i>
	латиръа	латируънат	латиръун	латиръин	латиръинна
31	<i>бот</i>	<i>ботинглар</i>	<i>ботинг</i>	<i>бот</i>	<i>ботинглар</i>

	умтус	умтусуват	умтусу	умтуси	умтусинна
	<i>ботма</i>	<i>ботманглар</i>	<i>ботманг</i>	<i>ботма</i>	<i>ботманглар</i>
	латумтус	латумтусу- нат	латумту- сун	латумту- син	латумтусин- на
32	<i>бўл</i>	<i>бўлинглар</i>	<i>бўлинг</i>	<i>бўл</i>	<i>бўлинглар</i>
	сор	сороват	сору	сори	соринна
	<i>бўлма</i>	<i>бўлманглар</i>	<i>бўлманг</i>	<i>бўлма</i>	<i>бўлманглар</i>
	латсор	латсорунат	латсорун	латсорин	латсоринна
33	<i>бўша</i>	<i>бўшанглар</i>	<i>бўшанг</i>	<i>бўша</i>	<i>бўшанглар</i>
	ихтил	ихтилуват	ихтилу	ихтили	ихтилинна
	<i>бўшама</i>	<i>бўшаманглар</i>	<i>бўшаманг</i>	<i>бўша</i>	<i>бўшаманглар</i>
	латихтил	латихтилу- нат	латихти- лун	латихти- лин	латихтилин- на
34	<i>бўшат</i>	<i>бўшатинглар</i>	<i>бўшатинг</i>	<i>бўшат</i>	<i>бўшатинглар</i>
	ихла	ихлуват	ихлу	ихли	ихлинна
	<i>бўшатма</i>	<i>бўшатманг- галр</i>	<i>бўшат- манг</i>	<i>бўшатма</i>	<i>бўшатманг- лар</i>
	латихли	латихлунат	латихлун	латихли	латихлинна
35	<i>бўя</i>	<i>бўянглар</i>	<i>бўянг</i>	<i>бўя</i>	<i>бўянглар</i>
	успуғ	успуғуват	успуғу	успуғи	успуғинна
	<i>бўяма</i>	<i>бўяманглар</i>	<i>бўяманг</i>	<i>бўяма</i>	<i>бўяманглар</i>
	латуспуғ	латуспуғунат	латуспу- ғун	латуспу- ғин	латуспуғин- на
36	<i>дамла</i>	<i>дамланглар</i>	<i>дамланг</i>	<i>дамла</i>	<i>дамланглар</i>
	дамгир	дамгируват	дамгиру	дамгири	дамгиринна
	<i>дамлама</i>	<i>дамламанг- лар</i>	<i>дамламанг</i>	<i>дамлама</i>	<i>дамламанг- лар</i>
	ладдамгир	ладдамги- рунат	ладдам- гирун	ладдамги- рин	ладдамги- ринна
37	<i>эла</i>	<i>эланглар</i>	<i>эланг</i>	<i>эла</i>	<i>эланглар</i>
	унхул	унхулуват	унхулу	унхули	унхулинна
	<i>элама</i>	<i>эламанглар</i>	<i>эламанг</i>	<i>элама</i>	<i>эламанглар</i>
	латунхул	латунхулу-	латунху-	латунху-	латунхулин-

		нат	лун	лин	на
38	<i>эмакла</i>	<i>эмакланглар</i>	<i>эмакланг</i>	<i>эмакла</i>	<i>эмакланглар</i>
	ихба	ихбуват	ихбу	ихби	ихбинна
	<i>эмаклама</i>	<i>эмакламанглар</i>	<i>эмакламанг</i>	<i>эмаклама</i>	<i>эмакламанглар</i>
	латихба	латихбунат	латихбун	латихбин	латихбинна
39	эз	<i>эзинглар</i>	<i>эзинг</i>	эз	<i>эзинглар</i>
	уфруг	уфругуват	уфругу	уфруги	уфругинна
	<i>эзма</i>	<i>эзманглар</i>	<i>эзманг</i>	<i>эзма</i>	<i>эзманглар</i>
	латуфруг	латуфругуват	латуфругу	латуфругин	латуфругинна
40	эк	<i>экинглар</i>	<i>экинг</i>	эк	<i>экинглар</i>
	израъ	израъунат	израъун	израъи	израъинна
	<i>экма</i>	<i>экманглар</i>	<i>экманг</i>	<i>экма</i>	<i>экманглар</i>
	латизраъ	латизраъунат	латизраъун	латизраъин	латизраъинна
41	<i>эшит</i>	<i>эшитинглар</i>	<i>эшитинг</i>	<i>эшит</i>	<i>эшитинглар</i>
	исмаъ	исмауъват	исмаъу	исмаъи	исмаиънна
	<i>эшитма</i>	<i>эшитманглар</i>	<i>эшитманг</i>	<i>эшитма</i>	<i>эшитманглар</i>
	латисмаъ	латисмаъунат	латисмаъун	латисмаъин	латисмаъинна
42	<i>эрин</i>	<i>эрининглар</i>	<i>эрининг</i>	<i>эрин</i>	<i>эрининглар</i>
	тиқаййин	тиқайуват	тиқайну	тиқайни	тиқайнинна
	<i>эринма</i>	<i>эринманглар</i>	<i>эринманг</i>	<i>эринма</i>	<i>эринманглар</i>
	латтиқаййин	латтиқайунат	латтиқайунун	латтиқайнин	латтиқайнинна
43	<i>эгил</i>	<i>эгилинглар</i>	<i>эгилинг</i>	<i>эгил</i>	<i>эгилинглар</i>
	хам сор	хам соруват	хам сору	хам сори	хам соринна
	<i>эгилма</i>	<i>эгилманглар</i>	<i>эгилинг</i>	<i>эгилма</i>	<i>эгилинглар</i>
	хам латсор	хам латсорунат	хам латсорун	хам латсорин	хам соринна
44	<i>эт (қил)</i>	<i>этинглар</i>	<i>этинг</i>	<i>эт</i>	<i>этинглар</i>

	сув	сувуват	суву	суви	сувинна
	<i>этма</i>	<i>этманглар</i>	<i>этманг</i>	<i>этма</i>	<i>этманглар</i>
	лат сув	латсувунат	латсуву	латсувин	латсувинна
45	<i>эркала</i>	<i>эркаланглар</i>	<i>эркаланг</i>	<i>эркала</i>	<i>эркаланглар</i>
	изза	иззуват	иззу	иззи	иззинна
	<i>эркалама</i>	<i>эркаламанглар</i>	<i>эркаламанг</i>	<i>эркала</i>	<i>эркаланглар</i>
	латизза	латиззуват	латиззун	латиззин	латиззинна
46	<i>эм</i>	<i>эминглар</i>	<i>эминг</i>	<i>эм</i>	<i>эминглар</i>
	ирзаъ	ирзаъуват	ирзаъу	ирзаъи	ирзаъинна
	<i>эмма</i>	<i>эмманглар</i>	<i>эмманг</i>	<i>эмма</i>	<i>эмманглар</i>
	латирзаъ	латирзаъунат	латирзаъун	латирзаъин	латирзаъинна
47	<i>ҳайда</i>	<i>ҳайданглар</i>	<i>ҳайданг</i>	<i>ҳайда</i>	<i>ҳайданглар</i>
	суг	сугуват	сугу	суги	сугинна
	<i>ҳайдама</i>	<i>ҳайдаманглар</i>	<i>ҳайдаманг</i>	<i>ҳайдама</i>	<i>ҳайдаманглар</i>
	латсуг	латсугунат	латсугун	латсугин	латсугинна
48	<i>ҳидла</i>	<i>ҳидланглар</i>	<i>ҳидланг</i>	<i>ҳидла</i>	<i>ҳидланглар</i>
	шум	шумуват	шумму	шуми	шуммина
	<i>ҳидлама</i>	<i>ҳидламанглар</i>	<i>ҳидламанг</i>	<i>ҳидлама</i>	<i>ҳидламанглар</i>
	латшум	латшуммунат	латшуммун	латшуммин	латшумминна
49	<i>изла</i>	<i>изланглар</i>	<i>изланг</i>	<i>изла</i>	<i>изланглар</i>
	даввур	давуруват	давру	даври	давринна
	<i>излама</i>	<i>изламанглар</i>	<i>изламанг</i>	<i>излама</i>	<i>изламанглар</i>
	ладдаввур	ладдаврунат	ладаврун	ладдаврин	латдавринна
